ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 35-36 (167-168) 2000 йил 17 май, чоршанба Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Япониянинг собиқ Бош вазири Кэйдзо Обути оғир хасталикка учраб, 15 май куни ҳаётдан кўз юмди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг Тошкентдаги элчихонасига ташриф буюриб, дипломатик миссия вакиллари орқали япон халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари Япония элчихонасининг ҳамдардлик китобига япон халқининг қайғусига шерик эканлиги ҳақида дастхат ёзиб қолдирди. Ушбу мамлакатнинг Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма билан бўлган қисқача суҳбат чоғида марҳум хотираси ёдга олиниб, унинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилди.

ЎзА

В.ПУТИННИНГ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан шу йилнинг 18-19 май кунлари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин икки кунлик амалий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

Ислом КАРИМОВ.

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ - МАНГУ БАРҲАЁТ

«Йўқ, ўлим йўқ»

Бир вақтлар киши ёлғиз юришга юраги бетламайдиган хилват гўшани бугун таниб бўлмайди. Буралиб оқаётган Юнусобод тумани ҳудудига кирувчи Бўзсувнинг икки соҳили кенг ва ям-яшил сайҳонлик. Бунда яшил либос кийган дарахтлар, шаршара бўлиб қуйилаётган фавворалар, саккиз устун кўтариб турган нилий гумбаз, текис ва бежирим йўлкалар киши кўнглида ҳам фараҳ, ҳам ҳазин бир кайфият уйғотади.

Улуғ шоиримиз Чўлпон ёзганидай: «Йўқ, ўлим йўқ, Бир ўчиб сўниш, яна ёниш бор!» Ватан ва халқ бахт-саодати йўлида шаҳид кетган аждодларимиз халқимиз хотирасида абадий барҳаётдир.

Сўратда: «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи айни кунларда зиёратчилар билан гавжум.

ШУ СОННИНГ

2-саҳифасида:

- **Рақам: республикада 11 мингдан ортиқ маҳалла мавжуд бўлса-да, уларда ишлаб турган кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналари 11 фоизни ҳам ташкил этмас экан.**
- **Маҳаллаларда хўжалик юритиш жабҳасини кенг йўлга қўйишни давр талаб этаётган экан - бу йўналишда халқимизга нима халақит бераяпти?**
- **Турмуш ўртоғим қамоқ жазосини тўлиқ ўтаб бўлди. Унинг озодликка чиқиб келиши учун кийим-кечак керак экан, мен маълум сабабларга кўра боролмаяпман? Қандоқ тадбир тутай? Сўранг - билиб олинг?!**
- **Боламга мен нима учун керак бўлдим?**

3-саҳифасида:

- **Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши Низоми эълон қилинаётир.**

4-саҳифасида:

- **Пайғамбаримизнинг аввалги набиралари Ҳасан, бир йилу икки ойдан кейин туғилган набиралари Ҳусан бўлди.**
- **Баҳодиржон ориятли йигит эди. Шу орият туфайли севикли ёрининг қотилига айланиши, ўзининг ширин жонига қасд қилишни эса хаёлига ҳам келтирмаганди.**
- **«Мен қотилни танирдим».**

Ўзини ўзи бошқариш тизимида муҳим янгилик

Бугун Республика ҳудудида фаолият кўрсатувчи Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши жамоат бирлашмаси сифатида тан олинди ва унинг Низоми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома берилди.

ЎЗБЕКИСТОН ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ

Гувоҳномада қайд қилинганидек, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгашининг асосий мақсади: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига — маҳаллаларга ўз манфаатларидан, миллий ва маънавий қадриятларидан, урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий аҳамиятга молик барча масалаларни, молиявий-хўжалик фаолиятини ҳал қилишларида ташкилий кўмаклашиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Республика Оқсоқоллар Кенгашининг таъсис Қурултойи қарори асосида ихтиёрий равишда ташкил қилинган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоатчилик бирлашмаси шаклида фаолият кўрсатувчи соф нодавлат-нотижорат ташкилотдир. Унинг вилоятлардаги, туман ва шаҳарлардаги тегишли бўлимлари мустақил ўзини ўзи бошқарувчи юридик шахс мақомига ва етарлик ҳуқуқий ваколатларга эга.

Низомда Кенгашнинг асосий фаолият йўналишлари ва вазифалари аниқ ва мақсадли равишда белгиланган. Кенгашнинг раҳбар органлари, уларни шакллантириш тартиби ва ваколатлик даври Ўзбекистон Конституцияси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлар, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини белгиловчи бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосланиб ифодаланган.

Низомга асосан мувофиқлаштириш фаолияти билан шуғулланувчи Оқсоқоллар Кенгаши тизимининг энг юқори органи деб Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгашининг таъсис Қурултойи (ҳисобот-сайлов Қурултойи) ҳисобланса, туман Оқсоқоллар Кенгашининг йиғини бу тизимда энг қуйи-бирламчи орган деб белгиланган.

Шуни таъкидлаш зарурки, туман Оқсоқоллар Кенгаши йиғини шу туманда маъмурий-ҳудудий бўлинишга асосан жойларда ташкил қилинган барча турдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг раислари (оқсоқоллари)дан, шунингдек, «Маҳалла» жамғармасига тегишли туман бўлими вакилларидан ташкил топади.

Туман Оқсоқоллар Кенгашининг таъсис ёки ҳисобот-сайлов йиғинларида иштирок этувчи юқорида номланган вакиллар туман Оқсоқоллар Кенгаши раисини, раёсат аъзоларини ва раис муовинларини сайлайдилар. Сайланганлар Оқсоқоллар Кенгаши тизимида энг бирламчи ижро органи мақомига эгадирлар. Уларнинг ҳуқуқлари, ваколат ва вазифалари Низомда равон баён қилинган.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгашлари билан «Маҳалла» жамғармасининг тегишли бўғинлари орасидаги ўзаро муносабати уларнинг фаолият бирлигини таъминлашга қаратилганлиги, Кенгашнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган фаолияти шу мақсадга интилувчи бошқа жамоат ташкилотлари, жумладан, ёшларнинг «Камолот» жамғармаси, «Нуроний» жамғармаси билан алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш, кучларни бирлаштириш ва фаолиятларини мувофиқлаштириш масалаларида фаоллик қилишга қаратилганлиги Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримовнинг азми қарорлари билан амалга оширилган янги жараён - кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни муқаррарлигидан далолат беради. Айнан маҳаллаларда, тўғридан-тўғри фуқаролар билан ишлаш учун, давлат ислоҳотларини айнан истеъмолчиларга етказиш учун кучларни бирлаштирувчи янги орган ҳосил бўлганлигининг гувоҳи бўляпмиз. Ана шу фикрлар Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгашининг Низомида ўз ифодасини топган. Демак, маҳаллалар фаолиятини янада юксалтириш, нуфузини ошириш уларнинг жамиятда тутган ўрни ва моҳиятини кучайтириш учун янги имкониятлар яратилди десак, муболаға бўлмайди.

Низом жамоатчилик бирлашмаси шаклидаги жамоат ташкилотларига қўйиладиган барча замонавий талабларга тўла жавоб берадиган ва ҳуқуқий тан олинган ҳужжатдир.

Шунинг учун ҳам Низомнинг яратилишига қўшган аҚлий меҳнатимиз бежиз бўлмаганидан, унинг кенг халқ оммаси ва давлат идоралари томонидан маъқулланганидан беҳад хурсандмиз.

Р.РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши раисининг муовини.
Р.БОБОЖОНОВ,
«Маҳалла зиёси» ўқув-услубий марказининг директори, Республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг муовини.

- Оқсоқоллар Кенгаши мустақил юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўша олади, - дейишди Кенгаш раиси, Олий Мажлис депутати Ш.Жалилов (чапдан иккинчи), Республика Ижтимоий таъминот вазири Оқил Обидов (ўнгдан биринчи) ва Чиғатой Оқтепа маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Мўминовлар якдил.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Самарқанд

МАҲАЛЛА ЭЛНИНГ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙДИ

Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонидаги яшил театрида шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ижтимоий ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маҳаллалар оқсоқоллари ва посбонлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, вилоят ташкилотлари, маъмурий идоралар, жамғармалар раҳбарлари, шифохоналар бош шифокорлари, имом хатиблар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги йиғилишда маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Э.Рўзиев маъруза қилди. Маърузачи эътироф этдики, вилоятда тараққиёт, жамият янгиланиши талабидан келиб чиқиб, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Нарпай туманидаги Ислом шоир номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси З.Қаршиев, вилоят ички ишлар бошқармаси бўлими бошлиғи С.Мўминов, Каттақўрғон шаҳар маҳалла Кенгаши раиси Ш.Салоҳиддинов, вилоят бош имом хатиби Усмонхон Олимов, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Т.Қурбонов вазифалар кўлами билан боғлиқ эътиборли фикрларни биллирдилар.

Шухрат ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

● Маҳалла тизимини мукамаллаштирамиз

ҚАЙСИ ЙИҒИН ФУҚАРОСИСИЗ?

Бу савол жамиятимизда янгиланиб борётган ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятини яхши англамаган газетхон учун унча тушунарли бўлмаслиги мумкин. Аммо бу тизимни яхши англаб етган юртдошимиз учун бу савол долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Мана қаранг: ҳозирги даврда ҳар бир мамлакатимиз фуқароси битта маҳалла фуқаролар йиғини (баъзи ҳудудларда турлича номланиши ҳам мумкин) фуқароси ҳисобланади. Лекин қишлоқ шароитида фуқароларимиз иккита шундай йиғин фуқароси бўлиб қолаяпти. Яъни бу ерда ҳам маҳалла фуқаролар йиғини, ҳам бир неча ҳудди шундай маҳаллаларни ўз ҳудудига олган ҳолда қишлоқ фуқаролар йиғини фаолият кўрсатаяпти. Аслида бу икки идоранинг қишлоқда яшовчи фуқаро учун вазифаси битта. Қишлоқда яшовчи аҳоли фуқаролар йиғинига оид муносабатини ё унисида, ё бунисида амалга оширади.

Икки идорадан бирининг ортиқчалигини сезганлар бу ҳолатдан ўзларича ечим топишмоқда. Кўпгина жойларда ўша эски шўролар даврида «қишлоқ совети» бўлиб фаолият юритган идоранинг ўрнида пайдо бўлган (ҳатто шу бинода ўтирган) қишлоқ фуқаролар йиғини ўзини шу ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг юқори ташкилоти деб ҳисоблашади ва улар ишига бош-қошлик қилишади. Бундай ҳолда у қишлоқ фуқаролар йиғини эмас, қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинлари ишини мувофиқлаштирувчи орган сифатида расмийлаштирилиши керак. Баъзилари шундай мавқеини йўқотмаслик учун маҳалла фуқаролар йиғинларининг ваколатларини ҳам уларга беришаётгани йўқ. Масалан, оқсоқолга маош ажратилмаган, ишлаш шароитлари йўқ...

Маҳалла фуқаролар йиғинларига ваколатларини асосан бериб қўйган қишлоқ фуқаролар йиғинлари эса янада антиқа ечим ясашган: ўз идораси жойлашган ҳудуд маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини ўз зиммасига олган. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси шу маҳаллада фуқаролар йиғини раиси ҳамдир. Хўш, шу ҳудуддаги бошқа маҳалла фуқаролар йиғинлари қишлоқ фуқаролар йиғинларига ҳисоблар бўлса, бу оқсоқол ўз-ўзига ҳисоб берадими?

Бу чалкашлик ўзини ўзи бошқариш органлари ишида салбий рол ўйнаб келмоқда. Бунда икки ечим бор: ё қишлоқ фуқаролар йиғини расман қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган сифатида аталиб, фаолият кўрсатиши керак. Ёки маҳалла фуқаролар йиғини бу идорадан мустақиллиги тан олиниб, улар бевосита туман оқсоқоллар фаолиятини мувофиқлаштирувчи органга ҳисоблар бўлиши керак. Бўлмаса бир фуқаро икки орган орасида ووраи сарсон бўлиб қолаверади.

Ўйлаймизки, яқиндан ўз иш фаолиятини бошлаган Республика Оқсоқоллар фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган — Оқсоқоллар Кенгаши бу ҳақда хулоса ясайди. Зотан, мазкур тизимдаги бу каби ечимини кутаётган чалкашликларнинг мавжудлиги бу нуфузли органнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Чори ЛАТИПОВ.

ОҚСОҚОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Гулистонда Сирдарё вилоятининг маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини раисларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш иштирокчилари «Ҳар бир маҳалла ўз ёшларини диний экстремизм хавфидан сақлаши керак ва бунга қодир» деган қарорни қабул қилди.

Вилоятда 229 та маҳалла бор. Бу маҳаллаларнинг бир қисми вилоятнинг чегара ҳудудларида жойлашган. Шунинг учун оқсоқоллар йиғилишида кўрилган «Диний экстремизм билан курашда маҳаллалар роли ҳақидаги» масала сирдарёликлар учун бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Ҳуқуқ-тартибот идораларининг масъул ходимлари экстремистларга қарши жиноий ишлар кўзғаш ҳоллари, вилоят ҳудудида рўйхатда турмасдан истиқомат қилаётган ва фуқаролиги йўқ шахсларни қўлга олишга доир маълумотлар ҳақида сўзлаб беришди.

- Маҳаллада содир бўлаётган воқеаларни сизлар яхши биласизлар, - деди вилоят прокурорининг ўринбосари Эркин Йўлдошев оқсоқолларга мурожаат қилиб. - Сизларнинг ҳаётий бой тажрибаларингизни ва донолигингизни маҳалла аҳли ҳурмат қилади, маслаҳат ва насиҳатларингизга қулоқ тутади. Уларнинг тинч ва осуда ҳаёти учун сизлар ҳам масъулсиз. Ҳаёт ўз уйида тинчлик ва хотиржамликни қадрлаган маҳалла фаоллари, маҳалла аҳли ҳушёрликни қўлдан бермаслигини кўрсатмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққан бошқа иштирокчилар ҳам маҳалла қўмиталари ўсиб келаётган ёш авлод ва қишлоқ ёшлари муаммоларига кўпроқ эътибор беришлари зарурлигини қайд этишди.

Т.АҲМАДАЛИЕВ,
ЎзА мухбири.

Маҳпиратхон МАМАДАЛИЕВА, Наманган шаҳар, «Марғилон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Ўзбек халқи ўзининг бой тарихига, аждодларининг ҳаёт синовларидан ўтган, инсонни юксакликка, камолатга ундовчи ибратомуз анъаналари, латиф урф-одатлари, удумларига эга. Ана шундай ажойиб, серфайз, мазмунли анъаналаримиздан бири тўйдир.

1998 йилнинг октябрида Президентимизнинг тўй ва маросимларни тартибли ўтказиш тўғрисидаги Фармони эълон қилиниб, унда маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳам бир қатор вазифалар юкланган эди. Ана шу фармондан келиб чиқиб биз бу йўналишдаги фаолиятимизни муайян изга солдик. Тўй қилувчиларга қатъий учта шарт қўйганмиз. Биринчиси камҳарж бўлсин, иккинчиси келин ва куёв балоғат ёшига етган бўлсин ва учинчиси никоҳ қонуний бўлсин.

Бундан ташқари маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган «Яраштириш комиссияси»га ҳаётнинг аччиқ-чучутини тотган, тажрибали кишиларни йиққанмиз. Уларнинг ёрдамида оилада юзага келган муаммолар четга чиқмай, маҳалланинг ўзида ҳал бўляпти.

Маҳалламизда тўй кенгаши ташкил қилганмиз. Унга Аҳмаджон Ҳожиладаев етакчилик қилади. У киши «Нуроний» кенгаши раиси Шамсиддин ҳожи ака Муҳиддинов билан доимо ёшларга оиланинг муқаддаслиги тўғрисида панд-насиҳатлар қилмоқдалар. Хотин-қизлар кенгаши раиси Муқаррамхон Ҳамрақулова ҳам аёллар ўртасида тўйларни камчиқим қилиб ўтказиш, ҳайит йўқловларида саватларни камайтириш тўғрисида тарғибот-ташвиқот қилиб бормоқдалар. Натижада, 1999 йилда маҳаллада бирорта ҳам ажралиш бўлмади.

Шунингдек, маҳалламизда ўтказилаётган тўйлар ҳам анча тартибга тушиб қолди. Одилжон Исматуллаев хоналонида ўтказилган тўй бунга мисолдир. Бу оила қудалар билан келишиб, «Сардоба» қаҳвахонасида 3 та тўйни ихчам, камчиқим қилиб ўтказди. Маҳалладошларимиз Ғуломжон Абдуллаев, Ўринбой Назаров, Эркинжон Иброҳимовлар хонадонида ўтказилган тўйлар ҳам бир кунда, камчиқим қилиб ўтказилди.

«Соғлом авлод йили» деб номланган 2000 йилда ҳам тўй ва маросимларни ихчам қилиб ўтказиш учун махсус тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз. Унга асосан 4500 дан ортиқ фуқаро истиқомат қилаётган маҳалламизда «Соғлом авлод - юрт таянчи» мавзусида бир неча бор йиғилиш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Шунингдек, ҳудудимизда жойлашган 8-ўрта мактаб билан ҳамкорликда қизларни эрта турмушга узатмаслик, уларни оилага тайёрлаш, соғлом, баркамол, юртга содиқ инсонлар қилиб вояга етказиш борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

«MAHALLA» МАНЗИЛИ ЎЗГАРДИ

Азиз муштарий! Таҳририятимиз манзили ўзгарди. Бизга мактуб йўллашдан, қўнғироқ қилиш, ҳатто таҳририятга йўқлаб ўтишга отланишдан олдин газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб шу ёзувлар қайд этиладиган жойига алоҳида эътибор қилинг.

Таҳририятимиз манзили ўзгариши билан барча кўрсаттичлар ўзгарди.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

● Маҳалла: бозор ислоҳотлари чорраҳасида

ТАДБИРКОРЛИК ТАДОРИГИ

Республикамизда 11 мингдан ортиқ маҳалла мавжуд бўлса, уларда ишлаб турган кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарининг миқдори бор-йўғи 10 фоиздан ошмайди, бу эса аҳолимизнинг ҳалиям боқимандалик, ўзибўларчилик кайфиятидан халос бўлолмаётганига ёрқин далилдир.

«Маҳаллада тадбиркорлик кичик ва ўрта бизнес» мавзусидаги амалий семинар тадбиркорлик фаолиятининг айнан маҳалла ва гузарлардаги тараққиёти масалаларига бағишланди.

Анжуманда маҳалладан чиққан хусусий бизнесменларнинг кредит олиш имкониятлари, унинг ҳуқуқий кафолатлари ҳақида сўзлар экан, «Бизнес-фонд» раҳбариятининг вакили Ахтам Долиев:

- Биз маҳаллалар билан ишлаганмиз ва бундан кейин ҳам ишлаш истагини билдирамиз. Илтимос қилардимки, жамғарма бизга барча вилоятлардаги тадбиркорлик фаолиятининг умумий ҳолатини, яъни ўзига хос хусусиятларини тавсия этса. Биз ана шу прогнозларга асосан кредит ажратишни бошлашимиз мумкин, - деди. Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раис муовини, Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази Бош директори Равил Собиржоновнинг гапларига қараганда, бугунги кунда мамлакатимизда ташкил этилган кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарининг сони 166 мингта бўлиб, айни вақтда уларнинг 133,3 мингтаси ишлаб турган экан. Республикамиздаги хўжалик юритувчи субъектларнинг 90 фоизини хусусий сектор ташкил этса-да, ялпи ички маҳсулотнинг 12,3 фоизинигина бу жабҳа бераётгани қониқарли эмас. Қолаверса, бу сектор савдо ва умумий овқатланиш жабҳасида, кўпроқ тараққий этган экан - нақд 32 фоиз! Ваҳоланки, кичик ва ўрта тадбиркорлик савдодангина иборат эмас. Уни ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, соғлиқни сақлаш, алоқа ва транспорт ва ҳатто халқ таълимида ҳам кенг тараққий эттириш лозимлиги уқтирилди.

Гузар ва чойхоналарни ободонлаштириш, бу масканларда тадбиркорлик алоқаларини ривожлантириш ҳақида сўз борар экан нотиқлар баъзи маҳаллаларда солиқ солишни яхши кўрадиган оқсоқоллар мавжудлиги, улар тадбиркорга эркин ишлашга йўл бермаётганини ҳам эслатиб ўтдилар.

Анжуманда «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловининг ғолиби, пойтахтдаги Чиғатой Оқ тепа маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Мўминовга ушбу ғолибликнинг кўкрак нишони тақилди ҳамда унинг иш тажрибаси қисқача ўрганилди.

Ўз мухбиримиз.

Қорақалпоғистон

МАҲАЛЛАДА ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ

Элликқалъа туманида тиббий хизматнинг янги тури - фельдшер акушерлик пунктлари ўрнига 7 та маҳалла врачлик пунктлари иш бошлади.

Тиббий хизматни ислоҳ қилиш дастурини изчил равишда амалга ошираётган шифокорлар эндиликда аҳолига хизмат кўрсатишда меҳнаткашларга янада яқинлашди. Натижада Амиробод, Сарибий, Боғ ёп, Қиличиноқ овулларида ҳамда Бўстон шаҳрининг бешта маҳаллаларида тиббий хизмат кўрсатиш ҳолати анча яхшиланди.

- Йил охирига қадар тумандаги ўн учта овул фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги барча фельдшер акушерлик пунктлари маҳалла врачлик пунктларига айлантирилди, - дейди туман марказий бирлашган касалхона бош врачи Рашид Оллаберганов. - Бу шахобчаларни зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам тўла ҳал қилинди.

А.ИСКАНДАРОВ.

Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳам маҳалла оқсоқоллари, билан ҳамкорликда уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларни йўқлаб туриш, ҳолидан хабар олиш борасида талайгина ишларни амалга оширишмоқда.

ҚАЛБ ҚАДРГА ВАТАНДИР

Самарали меҳнат натижасида нафақага чиққан пенсионерлар, якка-ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат фахрийларига иззат-икром кўрсатиш, уларнинг ўксик дилларини хушнуд этиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини барча фаоллар юрак-юракдан ҳис қилишади.

Яқинда Тошкент вилояти маҳаллаларида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фахрийларга иззат-икром кўрсатиш мақсадида «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳисобидан 151 минг 450 сўм пул ажратилди. Бу маблағга олинган қимматбаҳо совғалар ҳар бир фахрийнинг уйига олиб бориб берилди.

Фахрийлар ўзларига кўрсатаётган иззат-икромдан, бебаҳо эътибордан ва самимий ҳурматдан беҳад мамнун эканликларини дилдан изҳор этишди. Назаримда, энг муҳими ана шу.

Ўз мухбиримиз.

ТАДБИРКОР ОҚСОҚОЛНИНГ ЯНА БИР ТАДБИРИ

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги Чиғатой Оқ тепа маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Мўминов томонидан амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолияти ҳақида кўп гапирганмиз. Яқинда оқсоқолнинг маҳалла гузарида «Меҳр-мурувват уйи»ни ташкил этиш борасидаги ниятлари ҳам амалга ошди. Бунда туман ҳокимлиги ҳам хайрихоҳ бўлди.

Гузарда юзага келган бу хоналарда меҳр-мурувватга муҳтож шахслар учун кундузи келиб даволаниш, дам олиш учун шароитлар мавжуд. Бу ерда маҳалладаги «Карима» тиббий маскани малакали шифокорлари намунали хизмат кўрсатмоқда.

«Меҳр-мурувват уйи»нинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот Вазири Оқил Обидов, Республика Оқсоқоллар Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Шуҳрат Жалиловлар иштирок этишди.

Шу куни маҳалланинг кўпгина кексалари оқсоқолнинг моддий томондан меҳр-мурувватига ҳам сазовор бўлишди.

Суратларда: меҳр-мурувват масканининг очилиши лавҳалари.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

● Сизни мулоҳазага чорлаймиз

СИЗГА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРАЯПТИ?

Маҳаллада тадбиркорлик даъватининг, кейинроқ эса бу борадаги ташаббуснинг, ундан кейин эса юзага келган тадбиркорлик тажрибасининг намуна сифатида кўрсатилганига ҳам анча бўлди.

Бу намунани аввало пойтахтимиздаги Собир Раҳимов туман маҳаллалари бошлаб беришди ва бу борада ижобий ўзгариш бўлаётган бўлса, шу туманда амалга ошмоқда. Нега? Нега бошқа туманларда бу фаолият юз кўрсатмаяпти?

Хўш бунинг сабабларини ким қандай изоҳлайди. Шу мавзуда биз оқсоқоллар, унинг яқин кўмакдошлари, «Маҳалла» жамғармаси мутасаддилари, ҳокимият раҳбарлари ва бу соҳадаги мутасаддилар, умуман жамоатчилик қандай фикрда? Биз шу борада қуйидаги саволларга жавобингиз ва бошқа ўз мулоҳазаларингизни кутамиз.

1. Маҳаллада тадбиркорликни ва унинг самарасини қандай баҳолайсиз?

2. Маҳаллада ширкатлар тузилишини-чи?

3. Сизнингча, маҳаллада тадбиркорлик, хусусан, ширкат тузишда нималар халақит бермоқда? Масалан, маҳаллий шароит ёки ҳокимият қаршилиги, оқсоқолнинг бунга номуносиблиги, бу пайтгача шу ишларни бажариб келган идоралар (коммунал хўжалиги каби)нинг ўз ўрнини бўшатиб бериш хоҳиши йўқлиги, моддий базанинг йўқлиги...

4. Сизнинг маҳаллангизда (ёки туманингиз маҳаллаларида) бу ишларнинг йўлга қўйилмаганлигига ким айбдор деб ўйлайсиз?

5. Оқсоқол, сизга бу борада кимнинг, қандай ёрдами зарур, деб ҳисоблайсиз?

● Маҳалла мавзуси телеэкранда

Куни кеча эфирга узатилган «Менинг маҳаллам» кўрсатуви аввалгиларга нисбатан салмоқдор мазмунмоҳиятга эгалиги билан ажралиб турганини айтмасдан илож йўқ.

«МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ»

Хусусан, бугунги кундаги бозор ислоҳотларининг жараёнида маҳаллалар ва бевосита аҳолининг ижтимоий фаоллигига катта эътибор берилаётган бир даврда ушбу кўрсатув ҳам бу мавзуни керакли даражада ёритиб берди, дейиш мумкин. Кўрсатувда республика «Маҳалла» жамғармасида бўлиб ўтган маҳаллада тадбиркорлик мавзусидаги амалий семинардан лавҳалар кўрсатилди. Шунингдек, бугунги кунда маҳаллаларда амалга ошираётган оламшумул ишлар ҳақида алоҳида гап борди. Ҳамкасбимиз бошловчи Шавкат Азизовнинг экранда яна қайта тикланган «Менинг маҳаллам» кўрсатуви ана шу жиҳатдан халқимизнинг ички куч-қувватини ишга солиш, ҳар соҳада ташаббус ва ғайрат кўрсатишга даъват этади. Кўрсатувни кўриб қувонганимга яна бир омил шуки, газета мухбири сифатида бизни кўпроқ қизиқтирадиган ва машғул қиладиган мавзулар етарлича салоҳият билан ойнаи жаҳонда ҳам намойиш этиб борилаётганидир.Мавзулар майдонида «соғлом рақобатчилар»имиз пайдо бўлаётганидан шубҳасиз қувонамиз - ахир буларнинг ҳаммаси умумхалқимизнинг умумманфаатларига мос келади-да...

«Mahalla» мухбири.

ҲАҚҚИНГИЗ, ҲУҚУҚИНГИЗ

СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ

- Мен ногиронлик пенсиясини олардим. Лекин яқинда пенсия келмай қолди. Бунинг сабабини суриштириб борсам, тиббий меҳнат эксперт комиссияси кўригидан ўтиш муддати келган экан. Бу менинг эсимдан чиқиб кетибди. Энди мен нима қилишим керак?

Б.САИДҚУЛОВ.

Қашқадарё вилояти.

- Сиз узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда қайта кўрикдан ўтиш учун ТМЭКга бормаган бўлсангиз, пенсия тўлови тўхтатиб қўйилгани тўғри. Агар сиз ТМЭКдан қайта кўрикдан ўтсангиз ва ногирон деб тан олинсангиз пенсия тўхтатиб қўйилган кундан, лекин кўпи билан ўтган бир ойдан бошлаб пенсия тўлаш давом эттирилади.

Тиббий кўрикдан ўтиш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганда, ТМЭК ўша шахсни ана шу даврда ногирон бўлган, деб топса, пенсия тўлови тўхтатиб қўйилган кундан бошлаб то қайта кўрикдан ўтиш кунигача, лекин кўпи билан ўтган уч йил учун давом эттирилади. Агар ногирон қайта кўрикдан ўтганида унга ногиронликнинг бошқа гуруҳи белгиланса, пенсия кўрсатиб ўтилган вақт учун аввалги гуруҳ бўйича тўланади.

***

- Менинг турмуш ўртоғим бундан уч йил олдин жиноят содир этиб, қамалиб қолди. Жазони ҳам тўлиқ ўтаб бўлди. Келишини кутиб тургандик, лекин яқинда ундан хат келди. Унда у озгина пул, кийим-кечак олиб келишимни айтибди. Мен эса айрим сабабларга кўра боролмаяпман. Нима қилишим керак?

Комила Ш.

Сурхондарё вилояти.

Қонунда белгиланган тартибга кўра, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган шахслар яшаш жойларига етиб олиши учун йўл ҳужжатлари, меъёр бўйича озиқ-овқат ёки пул билан таъминланадилар.

Шунингдек, озод қилинаётган шахсларнинг мавсумий кийим, пойабзал сотиб олишга пули бўлмаса, буларнинг ҳаммасини муассаса маъмурияти таъминлайди. Шу мақсадлар учун бир йўла тўланадиган пул нафақаси берилиши мумкин.

***

- Агар ишчи ўзи ишлаб турган корхонага моддий зарар етказса, у қандай шаклда тўланиши керак ва унинг миқдорини корхона раҳбари белгилаши мумкинми?

Ш.СОДИРОВ.

Бекобод шаҳри.

- Агар етказилган моддий зарар ходимнинг ножўя хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса, ҳақиқий зарар тўла ҳажмда тўланиши керак.

Зарар ўрни пул ёки шикаст етказилган мулкнинг баҳосига тенг мол-мулк бериш ёҳуд бузилган мол-мулкни тузатиб бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Иш берувчи ўз навбатида зарарни ходимдан ундириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин етказилган зарар миқдорини аниқлайди ва унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказади. Бундай текшириш ўтказиш учун тегишли мутахассислардан иборат комиссия тузилади. Комиссия иш ҳолатларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, ҳақиқий зарар миқдорини аниқлайди. Ана шундан кейингина зарар ундирилиши мумкин.

Ходимдан етказилган зарар миқдорини ундириш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

***

- Соғлиги ёмонлашгани муносабати билан ҳомийлик белгиланган бўлса, у одам тузалиб кетмасдан олдин ҳомий хизматидан воз кечиб, бунга муҳтож эмасман, дейишга ҳақлими?

О.ҚУРБОНБОЕВ.

Хоразм вилояти.

- Ҳомийлик белгиланган шахснинг соғлиги аҳволи унча оғир бўлмаса ва унинг даражаси паст бўлса, ҳомий хизматидан воз кечиши мумкин. Агар ўша шахс хомий хизматидан норози бўлса, васийлик ва хомийлик органига хомийни алмаштиришни талаб қилиши лозим.

Тайинланган хомий ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлардан ғаразгўйлик мақсадларида фойдаланаётган бўлса, шунингдек, ҳомийликдаги шахсни назоратсиз қолдирса ёки тегишли ёрдамни кўрсатмаса, унинг ҳаракатларининг характерига қараб, жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чоралар кўрилиши мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди.

● «Mahalla» мавзуси: ворислик

«БОЛАМГА МЕН УЙ УЧУН КЕРАК БЎЛДИМ»

- Бир кетмончига турмушга чиққандим, - дея арзи-ҳол бошлаб қолди менинг суҳбатдошим. - Икки ўғил, уч қиз кўрдим. Болалар улғайсин деб, бўш вақтимда тикувчилик қилдим, кейин парандачилик фабрикасида товуқбоқар бўлиб ишладим, турмушимиз бинойидек эди.

Ўғилларни уйлантириб, қизларни чиқардик. Энди пенсияга чиқиб, болаларнинг роҳатини кўрамиз деганда бошимизга кулфат тушди. Чолимни машина уриб кетди. Ярим йил бошида ўғирдим. Бўлмади, қазо қилди. Ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз қолдим.

Кичик ўғлимнинг топиш-тутиши яхши. Шунданми ёки бошқа сабабданми келиним бўлак яшаш ҳаракатига тушди. Уйи бузилмасин деб, қаршилик кўрсатмадим. Ўғлим шаҳардан уй олиб кўчиб кетди. Қаричилик. Ёш ўтган сайин дард устига дард қўшиларкан, чою овқат тайёрлаш ўзимга қолди. Қизларим келган кун менга байрам. Бояқишлар кийимимни ювишади, уй кўтаришади... Кетар чоғи бизникида турақолинг деб ялинишади. Отанг ёққан чироқ ўчмасин деб кўнмайман. Улар йиғлай-йиғлай кетишади.

Ҳаёт шу тарзда кечарди. Бир куни ўғлим яп-янги «Нексия»сида хотини, уч боласи билан келди, кўриб шошиб қолдим. Бекорга суюнган эканман. Улар остонадан ҳам ўтмади.

- Ойи энди бизникида турасиз, отланинг, - деди ўғлим дабдурустдан. - Етар шунча қийналганингиз.

- Уйчи, уйни нима қиламиз? - дедим.

- Уйни сотамиз, ёки дала-ҳовли бўлади.

Кўндим. Ўғлимникига кўчдим. Онда-сонда уйдан хабар олдим. Ярим йилга ўтар-ўтмас ўғлимнинг уйи қандайдир катта йўлга тўғри келгани тўғрисида гап чиқди. Ўғлимга илгаригисидан яхши, хоналари кўп янги уй беришди. Ана шу уйга кўчгач эса негадир келинга ёқмай қолдим. Ишимдан, гапимдан, юриш-туришимдан камчилик топадиган бўлди. Ҳайрон бўламан, сабабини ҳеч тополмайман. Қаерда янглишдим, қандай ножўя сўз айтдим? Кейинчалик сир аён бўлди. Уни келиним ошкор этди. Юзи, кўзи борку, қайнонам демай айтди: «Сизни қўшимча хона олиш учун олиб келганмиз. Хоҳласангиз туринг, ёқмаса кетинг, - деди.

Ток ургандай бўлди. Қанча ўтирдим, қанча хаёл сурдим билмайман, келиним оғиз очганида кўкда қуёш чарақлаб турарди, ўзимга келсам тун ярмидан оғибди. Тонгда қўлга илинган нарсамни олиб уйга қайтдим. Қадримга йиғлаб, уйни тартибга солдим-да, яшай бошладим. Ўғлим икки-уч марта хабар олди, кейин қорасини кўрсатмади. Охирги келишида: «Акам, опаларим ҳам хабар олиб туради. Иш кўп, бу ёқда рўзгор, болалар дегандай, ҳаммасига улгура олмайман» деди, «Сен омон бўлсанг бас, болам. Мендан ҳеч хавотир олма» дегандим бош эгиб кетди. Етмишга чиқсам-да тек турмайман. Томорқага ул бул экаман, йилига беш-ўнта товуқ боқаман. Бу ёқда ойма-ой нафақа пули келади. Хуллас оғринадиган куним йўқ. Аммо...

Х.МИРЗАЕВ.

● Дунё...Дунё...Дунё...

ТОЛИБЛАРНИНГ МАҚСАДИ НИМА?

ҚОБУЛ. Шимолий иттифоқ «Толибон» вакилларини икки юзга яқин ҳарбий асирни ноҳақ отиб ўлдирганликда айбламоқда. Асирлар Шибиргон, Мазори Шариф ва Самангон вилоятларидаги қамоқхоналардан чиқарилиб, мамлакат шимолига олиб борилган ва қатл этилган. Маълумотларга қараганда, отилганлар орасида хозарийлар кўпчиликни ташкил этган.

Ислом конференцияси ташкилоти ташаббуси билан Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида икки ихтилофчи томон ўртасида ўтказилган музокараларда ҳарбий асирларни алмашишга келишиб олинган эди. Тахминларга қараганда, толиблар ўша келишувни йўққа чиқариш ниятида асирларни қатл этган.

«ФОРД-СКОРПИО» ПОРТЛАТИЛДИ

МИНСК. Беларус пойтахти марказида жойлашган «Планета» меҳмонхонаси ёнида «Форд-Скорпио» русумли автомашина портлатилди. Ҳалокат натижасида автомобил ҳайдовчиси ҳалок бўлди, йўловчи эса оғир аҳволда касалхонага жойлаштирилган. Тергов-қидирув ишлари бошлаб юборилди.

СУХАРТОНИНГ АЙБИ КЕЧИРИЛИШИ МУМКИН

ЖАКАРТА. Индонезия Бош прокуратураси собиқ президент Сухартога қўйилган айблар бўйича тергов ишларини бошлаб юборди. Бош прокурор текширувлар натижасида унинг айбларини фош этувчи аниқ далиллар борлигини маълум қилмоқда.

Сухарто ўзи президент бўлган вақтда давлат хазинасидан ўн беш миллиард АҚШ долларига яқин миқдордаги маблағни ўзлаштирганликда айбланмоқда. Мамлакатнинг ҳозирги президенти Абдураҳмон Воҳид, Сухарто айбига иқрор бўлиб, ўмарилган пулларни қайтарса, кечирилиши мумкинлигини айтди.

ЎЗБЕКИСТОН ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ НИЗОМИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ташкилотнинг номланиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши (бундан кейин матнда «Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши» деб юритилади) янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши таъсис қурултойи (1999 йил 6 ноябр) қарори асосида ихтиёрий равишда ташкил қилинган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи, уларнинг ҳуқуқи, истак ва эҳтиёжларини ҳимоя қилувчи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жамоатчилик бирлашмаси шаклида фаолият кўрсатувчи, мустақил, ўзини ўзи бошқарувчи, юридик шахс мақомига, банкларда ўз ҳисоб рақамига, муҳри, тамғаси, рамзий белгиларига, ўз мулки ва мустақил балансига эга бўлган нодавлат-нотижорат ташкилотдир. У ўз фаолиятини Ўзбекистон ҳудудида амалга оширади.

2. Фаолиятининг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўз Низомига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари барча поғоналардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳар томонлама мувофиқлаштириш ва бу соҳада Оқсоқоллар Кенгаши ва Республика «Маҳалла» жамғармасининг фаолият бирлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатларини замон талабларига мослаштириб бориш, ушбу органларнинг жамиятдаги тутган ўрни, роли ва аҳамиятини кучайтириш, уларнинг ривожланиш дастурлари ва механизмларини яратишга услубий ёрдамлашиш ва бу соҳаларда давлат ҳамда вакиллик органлари, хорижий ташкилотлар, бошқа корхоналар, Республика жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишдан иборат.

II. КЕНГАШНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, шу жумладан маҳаллаларга ўз манфаатларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, урф-одат ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий аҳамиятга молик барча масалаларни, молиявий-хўжалик фаолиятини ҳал қилишларида ташкилий кўмаклашиш ва фаолиятларини ҳар томонлама мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқ, талаб ва истакларини муҳофаза қилиш.

2. Тарихан таркиб топган миллий, умумбашарий, маънавий, маърифий, диний қадриятларни, ўзбек халқининг энг яхши удумларини ва анъаналарини эъзозлаш, оммалаштириш, ҳамжиҳатлик, миллий ғурур қадриятларини халқ оммасига, хорижий мамлакатларга кенг тарғиб қилишнинг ташкилий-услубий кўрсатмаларини яратиш ва тарқатиш, бу соҳада ривожланган хорижий мамлакатларда қўлланилаётган илғор тажрибани ўрганиш ва ундан фойдаланиш.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллаларнинг раҳбарлик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ва танлаш услубларини яратиш, уларга қўйиладиган талаб меъёрларини ишлаб чиқиш ва уларнинг сайловларини ўтказиш қоида-тартибларини замон талабларига мослаштириш.

4. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократия тамойилларига асосланган кучли ҳуқуқий давлат, дунёвий фуқаролик жамиятини қуришга мўлжалланган барча ислоҳий жараёнларда фаол иштирок этиш, фуқароларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш чора-тадбирларини яратиш ва амалга ошириш.

5. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси раҳбарлигида маҳалла гузари ва марказларида маънавият ва маърифат кенгашини тузиш, маънавият ва маърифатхоналарни ташкил этиш, қироат хоналарини ташкил этиш, маҳаллани намунали тарбия масканига айлантиришга эришиш.

6. Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш. «Маҳалла посбонлари», «Яраштириш комиссияси», милиция вакили ва масжид имомларининг маҳалла Оқсоқоллар Кенгаши сафида жипслашиб, ҳамжиҳат, бамаслаҳат иш юритишларига эришиш.

7. Давлат органлари ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш жараёнида фаол қатнашиш ва бу ваколатларнинг амалга оширилиши учун зарур услубий ҳужжатлар ишлаб чиқиш.

8. Халқаро нодавлат-нотижорат ташкилотларига аъзо бўлиш, улар билан тўғридан-тўғри муносабатлар ўрнатиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳақида тегишли келишув ҳужжатларини тузиш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган халқаро анжуманларда қатнашиш, Ўзбекистонда Халқаро анжуманлар, семинарлар ўтказишда ташаббускорлик қилиш, анжуманларга чет эллик вакилларни таклиф қилиш.

9. Ўзбекистон Республикаси нодавлат-нотижорат ташкилотлари, «Камолот» жамғармаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш, кучларни бирлаштириш ва фаолиятларини мувофиқлаштириш масалаларида фаоллик қилиш.

10. Ўз номидан молиявий-хўжалик шартномалар тузиш, мулкий ҳуқуқга эга бўлиш, ўз оммавий ахборот, ноширлик воситаларини таъсис этиш.

11. Кенгаш, «Маҳалла» жамғармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда кўрик-танловлар ўтказиш, мукофотлар белгилаш.

12. Ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиб беришга эришиш.

13. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

III. КЕНГАШЛАРНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи органлар қуйидагилардан иборат бўлади:

- Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, Кенгашнинг раиси, аъзолари, раёсат аъзолари, раис муовинлари ва бошқа раҳбар ходимлар, назорат ва тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари;
- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар мувофиқлаштириш Оқсоқоллар Кенгашлари, вилоят, туман (шаҳар) мувофиқлаштириш Оқсоқоллар Кенгашларининг раислари, раёсат аъзолари, раис ўринбосарлари ва бошқа раҳбар ходимлар, назорат ва тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари;
- Кенгашларнинг энг юқори органи бўлиб Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгашининг Қурултойи, энг қуйи органи - туман (шаҳар) Оқсоқоллар Кенгашининг йиғини ҳисобланади. Оқсоқоллар Кенгашининг қуйи органлари, белгиланган тартибда Кенгашнинг юқори органларига ўз фаолиятлари бўйича ҳисобот берадилар.

IV КЕНГАШ РАҲБАР ОРГАНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТЛИК ДАВРИ

1. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши таъсис қурултойи

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри Кенгашларини тузиш учун чақирилган таъсис Конференцияларида таъсис Қурултойига сайланган вакилларнинг очиқ овоз бериши йўли билан тузилади.

Кенгаш таркиби ва Кенгашнинг раҳбар ходимлари, раёсат таркиби Қурултойда 5 йил муддатга сайланадилар.

Таъсис Қурултойи унда қатнашиш учун ваколатланган шахслар умумий сонининг учдан икки қисми қатнашган тақдирда қонуний ҳисобланади. Қурултой Қарорлари вакилларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгашининг Қурултойи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) Оқсоқоллар Кенгашлари тизимининг энг юқори органи ҳисобланади.

Қурултой мувофиқлаштириш фаолияти доирасидаги ташкилий ва ҳуқуқий масалалар бўйича Қарорлар қабул қилади ва 5 йилда бир марта чақирилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри Оқсоқоллар Кенгашлари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгашлари тегишли ҳудудлардаги туман (шаҳар)лар Оқсоқоллар Кенгашларининг таъсис йиғинларида сайланган ва очиқ овоз бериш йўли билан тузилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар Тошкент шаҳри Оқсоқоллар Кенгашларининг таъсис Конференциялари Кенгашлар таркибини, аъзоларини, раҳбар ходимларини ва раёсат аъзоларини 5 йил муддатга сайлайди.

Очиқ сайлов натижаларига асосан Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши таъсис Қурултойига вакилларни сайлайди.

Таъсис Конференцияларининг Қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатлари Таъсис Қурултойи ваколатлари билан бир хилдир.

Ташкилий ва ҳуқуқий масалаларни ечиш учун йилига камида бир марта Оқсоқоллар Кенгаши йиғини ва йилнинг ҳар чорагида бир марта раёсат мажлислари ўтказилади.

3. Туман (шаҳар) Оқсоқоллар Кенгаши

Республикадаги барча туман (шаҳар)ларда туман (шаҳар) ҳудудларида жойлашган барча турдаги фуқаролар йиғинлари раислари (Оқсоқоллари) тегишли туман (шаҳар) Оқсоқоллар Кенгашларини тузадилар.

Барча турдаги ўзини ўзи бошқариш органи раҳбари туман (шаҳар) Кенгашларининг аъзолари ҳисобланади. Кенгашларнинг таъсис йиғинлари туман (шаҳар) Оқсоқоллар Кенгашининг раёсат аъзоларини ва раҳбар ходимларини йиғинда очиқ овоз бериш йўли билан Кенгаш Қарори билан 2,5 йил муддатга сайлайдилар.

Кенгаш йиғинлари камида уч ойда бир марта, раёсат йиғинлари ҳар ойда ўтказилади.

Кенгашнинг таъсис ва ҳисобот-сайлов йиғинларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгашларига вакиллар сайланади. Кенгашларнинг сайлов билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий ваколатлари Республика Оқсоқоллар Кенгаши таъсис Қурултойининг шу масала бўйича ваколатлари билан бир хилдир.

V. ЎЗБЕКИСТОН ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

1. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши Қурултойи:

- Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгашининг Низомини тасдиқлаш ва унга қўшимчалар киритиш;
- Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши таркибини, раис ва муовинларини, раёсат таркибини сайлаш;
- Оқсоқоллар Кенгаши назорат-тафтиш комиссиясини сайлаш;
- Кенгашнинг истиқбол иш режасини белгилаш ва тасдиқлаш ва зарурий бошқа фаолиятларни бажариш.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши:

- Кенгашнинг мақсади ва вазифаларини амалга ошириш чора-тадбирлари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри Оқсоқоллар Кенгаши фаолиятини мувофиқлаштириш ахборотларини муҳокама қилиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;
- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва эҳтиёжларини ҳимоя қилиш, фаолият турларини кенгайтириш, ҳуқуқий ва иқтисодий базасини ривожлантириш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш. Шу масалалар доирасида давлат бошқаруви, вакиллик ва қонунчилик органларига тавсиялар тайёрлаш, тақдим қилиш;
- Қурултойга йилига бир марта Кенгаш фаолияти тўғрисида ҳисобот тайёрлаш.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши раёсати:

- Кенгаш йиғинлари орасида Кенгашнинг тасдиқланган иш режасини амалга оширишни таъминлаш ва бу соҳада қарорлар қабул қилиш;
- Қурултой, раёсат қарорларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар ва бу органларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашларнинг ҳуқуқ, ваколат ва вазифалари доирасидаги ишларга тегишли Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси, бошқарув органлари қарорлари ва фармойишларининг, қонунчилик ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаш ва назоратга олиш, уларни фуқароларга етказиш услубларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш;
- йилига икки марта Кенгаш фаолияти ҳақида Кенгаш раиси муовинлари, бошқа масъул ходимларнинг ҳисоботини тинглаш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;
- Кенгаш раисининг муовинларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;
- Кенгаш раиси тавсиясига кўра қуйи бўғин раҳбарларини, белгиланган тартибда ишдан бўшатиш ва лавозимларга тасдиқлаш;
- Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига алоҳида ҳисса қўшган ходимларни Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тавсия қилиш ва ўзининг мукофотлари билан тақдирлаш.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши раиси:

- Қурултой, Кенгаш, раёсат қарорларини, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси ва қонунчилик органларининг тегишли ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш;
- Кенгашнинг жорий йил учун иш режасини, сметасини, штатлар жадвалини тасдиқлаш;
- Кенгашнинг тасдиқланган иш режаси бўйича Кенгаш Девонини, Кенгаш фаолиятини ташкил қилиш ва раҳбарлик қилиш;
- Давлат бошқарув ва қонунчилик органлари, бошқа корхоналар, жамоат ташкилотлари, жумладан хорижий ва халқаро жамоат ташкилотлари билан Кенгаш номидан ҳамкорлик қилиш;
- бошқа ташкилот ва корхоналар билан Кенгаш номидан иш юритиш ва шартномалар тузиш;
- банк ва молия идораларида Кенгашнинг молиявий ва мулкий фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш;
- Кенгаш фаолияти бўйича тегишли органларга ва давлат бошқарув ташкилотларига ҳисобот ёки ахборот бериш.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри Оқсоқоллар Кенгашлари ваколатлари

Оқсоқоллар Кенгашлари Конференциялари:

- Оқсоқоллар Кенгаши раҳбар органларини сайлаш;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри Оқсоқоллар Кенгашларининг фаолият дастурларини тасдиқлаш;
- Назорат-тафтиш комиссияси таркибини сайлаш;
- Оқсоқоллар Кенгашларининг йиллик ҳисоботларини тинглаш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;
- Назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботини ҳар жорий йилда тинглаш ва муҳокама қилиш;
- Оқсоқоллар Кенгашлари ҳисобот сайлов Конференцияларини тайёрлаш ва чиқариш;
- Эркин, демократия тамойилларига асосланган, дунёвий, фуқаролик жамиятини қуриш учун мўлжалланган давлат ислоҳий ҳужжатларини муҳокама қилиш ва тегишли таклифлар киритиш.

Оқсоқоллар Кенгашлари йиғинлари:

- Кенгашнинг жорий йил учун тузилган иш режасини тасдиқлаш ва бажарилишини назорат қилиш;
- Кенгаш фаолияти бўйича йилига икки марта Кенгаш раиси ўринбосарларини, туман Кенгашлари раисларининг ҳисоботларини тинглаш;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва Оқсоқоллар Кенгашлари фаолиятларига тегишли давлат бошқаруви, Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва қонунчилик органларининг янги ҳужжатларини муҳокама қилиш ва бажарилишини таъминлаш бўйича қарорлар қабул қилиш.

Раёсат йиғини:

- Кенгаш йиғинлари оралиғида Кенгашнинг тасдиқланган иш режасини амалга оширишни таъминлаш;
- Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши органларини, давлат бошқарув ва қонунчилик органларининг Кенгаш фаолиятига тегишли қарор ва фармойишларининг бажарилишини таъминлаш, назоратга олиш, фуқароларга етказиш тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш;
- Кенгаш фаолияти бўйича Кенгаш раиси ўринбосарларининг, туман Оқсоқоллар Кенгашлари раисларининг ҳисоботларини тинглаш;
- Кенгаш раиси ва муовинларини тасдиқлаш ва озод қилиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;
- Туман (шаҳар) Кенгашлари раисларини, белгиланган тартибда, лавозимларига тасдиқлаш ва озод қилиш ҳақида туман (шаҳар) Кенгаши йиғинига тавсиялар бериш.

Кенгаш Раиси:

- Қурултой, Конференция, Кенгаш ва раёсат қарорларини, вилоят давлат бошқаруви ва вакиллик органлари қарорларини, қонунчилик ҳужжатларидаги вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш;
- Кенгашнинг жорий йил учун иш режасини, смета ва штатлар жадвалини тасдиқлаш;
- Кенгашнинг иш фаолиятини ташкил қилиш;
- Бошқарув ва вакиллик органлари, бошқа ташкилотлар билан Кенгаш номидан алоқа қилиш;
- банк ва молия идораларида Кенгашнинг молиявий ва мулкий фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш;
- Кенгаш девонини ташкил этиш ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- Кенгаш ходимларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, иш тартибини ишлаб чиқиш;
- Кенгашнинг юқори органларига, тегишли давлат органларига ахборотлар ва ҳисоботлар бериш.

3. Туман (шаҳар) Оқсоқоллар Кенгашининг ваколатлари

Оқсоқоллар Кенгаши йиғини:

Туман (шаҳар) Оқсоқоллар Кенгаши Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши тизимида қуйи орган ҳисобланади. Кенгаш йиғини қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар фаолиятларини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва истакларини муҳофазалаш масалалари бўйича Кенгашнинг жорий йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш;
- Ўзбекистон ва вилоят Оқсоқоллар Кенгаши, давлат бошқарув ва қонунчилик органларининг тегишли Фармойиши ва қарорлари, қонунчилик ҳужжатларининг бажарилишини ва фуқароларга етказилишини таъминловчи тадбирларни тасдиқлаш ва назорат қилиш;
- туман (шаҳар) Ҳокимиятининг фуқаролар йиғини олдидаги ҳисоботларини услубий тартибларини яратиш ва ташкилий ўтказилишини назоратга олиш;
- туман (шаҳар) Оқсоқоллар Кенгаши раисини, раёсат аъзоларини, раис муовинларини сайлаш;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар Тошкент шаҳри Оқсоқоллар Кенгашларининг таъсис конференцияларига тегишли вакилларни сайлаш;
- Назорат тафтиш комиссиясининг таркибини сайлаш, ҳамда Кенгаш фаолияти тўғрисида Кенгаш раисининг ҳисоботларини эшитиш;
- туман (шаҳар) Оқсоқоллар Кенгашларининг ҳисобот сайлов мажлисини чақириш ҳақида қарор қабул қилиш ва ташкилий ишларни амалга ошириш;
- Кенгаш фаолияти ва мақсади доирасида тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларига, вакиллик органларига тавсиялар тақдим қилиш, улар билан узвий ҳамкорлик дастурини яратиш.

Раёсат йиғини:

- Кенгаш йиғинлари оралиғида кенгашнинг тасдиқланган иш режасини амалга оширишни таъминлаш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;
- Давлат ва Республика Оқсоқоллар Кенгаши органларининг туман (шаҳар) Кенгашлари фаолиятига тегишли Қарорларнинг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш ва бу ҳақда қарорлар қабул қилиш;
- Кенгаш раиси ўринбосарларини тайинлаш ва ишдан озод қилиш ҳақида қарорлар қабул қилиш, уларнинг ҳисоботларини эшитиш.

Кенгаш раиси:

- Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгашининг юқори органлари, давлат бошқаруви ва қонунчилик органлари, туман, шаҳар Ҳокимлигининг тегишли Қарор ва фармойишларининг бажарилишини таъминлаш;
- Кенгашнинг иш фаолиятини ташкил қилиш;
- Кенгашнинг жорий йил учун иш режасини, смета ва штатлар жадвалини тасдиқлаш;
- туман (шаҳар) Ҳокимлиги, туман ҳудудидаги ташкилотлар билан Кенгаш фаолияти доирасида алоқа ўрнатиш;
- Кенгаш ходимларининг иш тартибини ишлаб чиқиш, уларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш;
- банк ва молия идораларида Кенгашнинг молиявий ва мулкий фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш;
- Кенгашнинг юқори органларига, тегишли давлат ташкилотларига ўз вақтида ҳисобот ва ахборот берилишини таъминлаш.

VI. НАЗОРАТ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши таъсис Қурултойи, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгашлари конференциялари, туман (шаҳар) Кенгашлари йиғинларида тегишли назорат-тафтиш комиссиялари 5 йил муддатга сайланади ва ўз Низоми асосида, белгиланган тартибда, фаолият кўрсатади.

Тафтиш комиссиялари Кенгашларнинг асосий молия-хўжалик фаолиятини назорат ва тафтиш қилиш органи ҳисобланади, ўз фаолияти юзасидан йилига бир марта ахборот беради.

VII. КЕНГАШЛАРНИНГ МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ МАНБАЛАРИ

1. Оқсоқоллар Кенгашининг мулки

Оқсоқоллар Кенгашининг ўзи томонидан қурилган ёки қонунда белгиланган тартибда унга берилган жамоат, ижтимоий-маиший бинолар, бошқа объектлар, транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошқа кўчар ҳамда кўчмас мулк унинг мулки ҳисобланади.

Оқсоқоллар Кенгаши ўз мулки бўлган объектлар ва воситаларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, ўз тасаррафидан чиқаришга, шунингдек, ушбу мол-мулк билан боғлиқ битимлар тузишга ҳақлидир.

2. Кенгаш маблағларининг манбаи

Оқсоқоллар Кенгашининг молиявий асоси юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, Республика «Маҳалла» жамғармаси ажратган маблағлардан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тадбиркорлик ва бошқа фаолиятлардан тушган маблағлардан ташкил топади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгашлари умумий даромадининг 10 фоизи унинг юқори органи ҳисобланган Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ҳисобига ўтказилади ва унинг асосий маблағ манбаи ҳисобланади.

Туман (шаҳар) Оқсоқоллар Кенгашлари жамланган барча маблағларнинг 10 фоизини юқори орган ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Оқсоқоллар Кенгашлари ҳисобига ўтказадилар.

VIII. НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгашининг Қурултойида очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинган Қарор асосида киритилади. Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганлиги ҳақида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида Низом қайтадан рўйхатдан ўтказилиши учун, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилиши лозим.

IX. ТАШКИЛОТНИНГ ЎЗГАРТИРИЛИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ

Ташкилотнинг номи, таркибий тузилишининг ўзгартирилиши ёхуд тугатилиши ҳақида қарор Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгашининг Қурултойида қабул қилинади. Ташкилотнинг тугатилиши учун белгиланган қонун асосида иш юритувчи тугатилиш комиссияси тузилади. Ташкилот тугатилиши ҳақидаги маълумот, тугатилиш муддати кўрсатилган ҳолда, матбуотда эълон қилинади. Шунингдек, амалдаги Қонун доирасида ҳам тугатилиши мумкин. Тугатилган Кенгашнинг мол-мулки Низом мақсади йўлида сарфланади.

X. ЎЗБЕКИСТОН ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Моваройнаҳр кўчаси, 6-уй, телефон: 136-37-90.

● Яхшилар гулшани

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

14. ЯХШИ ИСМ ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАР

Исм қўйиш хосиятлари, яхши, маъқул, муносиб исмлар танлаб қўйилганда фарзандларимизнинг бундан буёнги ҳаётига таъсири бўладими, йўқми? Бинобарин фарзандларимизга яхши маъно англатадиган исм қўйиш ҳам отанинг қарзи ҳисобланади.

Мана биз ўша турғунлик даврида юз эллик йилга яқин ҳатто исм қўйиш хосиятларини ҳам унутиб қўйдик. Масалан, исмларнинг бўлар-бўлмасларини ҳам қўявердикки, ҳозир шу исм эгалари ҳам уялиб юрибди.

Ҳар қандай бола ўша исмга яраша катта бўлган сари мослашиб бораверади. Инсоний хулқи ҳатто исм у ёқда турсин, кийган кийимларига қараб ҳам шаклланади, камол топади. Айтайлик, калта, тор, Оврўпача кийим кийиб катта бўлган бола билан сипо, миллий усулда кийиниб катта бўлган боланинг хулқида катта фарқ бўлади. Энди исмлар ҳам худди шундай. Исм қўйсангиз, шу исм эгасига, маъносига тортиб кетавераді.

Мусулмон киши фарзанд кўрганидан кейин аҳли Ислом суннатига мувофиқ ақиқа қилади. Ундан кейин ота зиммасидаги биринчи қарз бу фарзандига яхши, муносиб исм қўйишдир. Чунки Муҳаммад Мустафо саллоллоҳи алайҳи вассаллам айтадиларки, «Ҳар бир ёмон ишдан инсонни отининг ўзи, яъни исмининг ўзи қайтаради». Отининг улуғлигидан баъзи бир одамлар гуноҳ ишни қилишдан ҳам қайтади. Исм қўйганда Пайғамбаримизнинг ана шу сўзларини ҳам эслаб туриш керак.

Жаноби Расуллиллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг олдиларига куёвлари Ҳазрати Али келдилар-да:

- Ё, Расулиллоҳ, набира муборак бўлсин, фарзандингиз Фотима ўғил туғдилар, - деганларида Пайғамбаримизнинг биринчи сўзлари шундай бўлдики:

- Исмини нима қўйдингиз?

- Э, Расулиллоҳ исмини Ҳарб қўйдик, - дедилар. - Ҳарб - бу жанг дегани. Жанг қилиб юртларни мусулмон қилсин, қўлидан қиличи тушмасин. - деганларида Муҳаммад Пайғамбаримиз айтдиларки:

- Йўқ, Ислом дини ундай, жанг деган исмни ёмон кўради, жангни ҳам ёмон кўради, қилич кўтаришни тақиқлайди. Бундай от қўйманг. Исмини Ҳасан қўйинг. Ҳасан бу яхшилик таратгувчи дегани. Яхшилик таратгувчи фарзанд бўлсин, - дедилар. Шундан кейин Фотима онамизнинг тўнғич ўғиллари Ҳасан бўлди. Имоми Ҳасан. Бир йилу икки ойдан кейин Имом Ҳусан туғилдилар. Ана шу фарзанд туғилганида ҳам Ҳазрати Али келиб яна:

- Эй, Расулиллоҳ, иккинчи набира муборак бўлсин, - деганларида Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи вассаллам сўрадилар:

- Исмини нима қўймоқчисиз?

- Худо берди, яна ўғил кўрдик, унинг исмини Ҳарб қўймоқчиман. Олдинги катта ўғлимга қўймаган исмни энди бунга қўймоқчиман. Жангчи қўймоқчиман.

- Эй, Али, - дедилар Саррвари олам, - Ислом дини тинчлик дини бўлса-да одамларни тинчликда, бир-бирлари билан иттифоқликда яшашликка чақирса-да, шундай халқнинг набирасининг оти Жангчи бўлса? Бунисини ҳам яхшилик таратгувчи қўямиз. Ҳусан деб қўйинг. Бу кичкина яхшилик деган маънони билдиради. Имом Ҳусаннинг номлари ҳам шу тариқа белгиланди. Учинчи фарзанд кўрганларидан кейин, Имом Ҳусандан кейин Ҳазрат Али Пайғамбаримизнинг олдига келиб:

- Яна Аллоҳ бизни хурсанд этди, учинчи ўғилни ато этди. Энди бунисининг исмини қилич қўяман, - дедилар.

- Шунда жаноби Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи вассаллам айтдиларки:

- Йўқ, Али, исмини Муҳсин қўйинг, - дедилар. - Муҳсин юввош, яхши одам дегани.

Бу воқеадан кўринадики, жаноби Саррвари олам яхши ният қилиб, яхши ном қўйган одам, яхши бўлади. Бир улуғ олимни кўриб, ёки бир мукаммал мўминни кўриб, ният қиламизки, фарзандимиз шу кишига ўхшаса деб. Орзу қилиб унинг исмини қўямиз. Масалан, Улуғбек, қўямиз, илоҳим шундай олим бўлсин, деб. Аллоҳдан сўраймиз. Жаноби Пайғамбаримизнинг умматлари экан. Шу одамнинг сифатлари мужассам бўлсин, деб. Муҳаммад деб қўямиз, Аҳмад, Маҳмуд, деб қўямиз, фарзандларимизнинг номини. Мустафо деб қўямиз. Ёки Аллоҳнинг яхши бандаларидан бўлсин деб Абдураҳмон, Абдусамат, Абдуллоҳ деган исмларни қўямиз. Баъзида яхши одамларнинг ҳам исмларини ирим қилиб фарзандимизга берамизки, шуларга ўхшасин, деб.

● Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг!

АЁЛЛАР, ПУЛ КЕРАКМИ Ё СОЧ?

Ишбилармонлик соҳасида зўр ютуқларга эришаётган бадавлат хонимларнинг сочлари тўкилиб кетаётганмиш!

Ишонмайсизми? Америкада машҳур бизнесменлар ва юқори лавозимларни эгаллаб турган 500 нафарча аёллар ўртасида махсус кузатув ўтказилди. Унинг натижаларига кўра, бу аёлларнинг 60 фоизи сочлари тинмай тўкилаётганидан жабр кўраётган бўлса, қолган 40 фоизига мутлақо кал бўлиб қолиш хавфи таҳдид солаётир. Хўш, нима учун шундай?

- Соч тўкилишига сабаб бўлувчи тестостерон гармони аслида ҳамма аёлларда ҳам оз миқдорда бор, лекин ишбилармон аёлларда у шиддат билан кўпайиб боради, - дейди филадельфиялик дерматолог врач Альфонс де Монте. - Негаки ишбилармон аёл куннузун қаттиқ ҳаяжон ичида, муттасил асабий ҳолатда бўлади. Шунинг учун ҳам унда эркаклар гармони - тестостерон кўпайиб, сочи тўкила бошлайди.

Бир аёл шундай ёзади: «Мен ҳаётимнинг йигирма йилини хизмат поғоналаридан кўтарилиш учун сарфладим. Ниятим амалга ошди. Лекин, оқибат шу бўлдики... мен сочимдан ва эримдан айрилдим! Кейин эса лавозимимдан воз кечдим. Ва ишонч билан айтишим мумкинки, бахтли онларим ўзимга қайтди...»

Альфонс де Монте ва унинг ҳамкасбларининг таъкидлашларича, соч тўкилиш ҳодисаси енгил атлетика билан шуғулланаётган аёллар ўртасидаям кўп учраётганмиш. Хўш, бунинг сабаби нимада?

- Бунинг сабаби шундаки, - дейди шифокор. - Атлетикачи аёллар гарчи ишбилармонлар каби иш пайтида асабий ҳолатга тушишмасаларда, ўзларининг ютуқлари учун тўланаётган катта пул ва кучли рағбат туфайли қаттиқ ҳаяжонланадилар. Бу эса уларни сочдан айрилишгача олиб келади.

Энди шундай бир савол туғилади: пул керакми ё соч? Аёл учун қай бири қадрли?

ОРИЯТ ҚУРБОНИ

Баҳодиржон ориятли йигит эди. Аммо у ҳали куни келиб ориятсиз туфайли севикли ёрининг қотилига айланишини, ўзининг ширин жонига қасд қилишини хаёлига ҳам келтирмасди. Ҳозир эса бўлиб ўтган воқеалар кинолентадек, кўз олдидан бирма-бир ўтсада, уларни идрок этиш, ҳамманинг ҳаваси келадиган гўзал оиласининг тақдир тегирмонида кунпаякун бўлишига ўзи ҳам сабабчи эканини ҳис қилишга қобил эмас эди...

Фарғона вилоятининг сўлим қишлоқларидан бирида жойлашган чойхонада бошланган чор улфатнинг чорси хонадаги «ширин» суҳбати узоқ давом этди. Кайфи ошиб қолган дўстлар маҳаллада Собир сассиқ номи билан машҳур бўлган бойваччадан ўч олишга қарор қилишганда, вақт алламаҳал бўлган эди. Фалокат босиб, ўртоқлари қочиб қутилишди-ю, у қўлга тушди. Ҳамма айбни ўз бўйнига олиб, олти йилга «кесилиб» кетди. Ўзини жазо муддатида яхши тутгани туфайли олти йиллик муддатни тўрт йилда адо этиб қайтаркан, йўл-йўлакай қанчаданқанча орзуларни юрагига тугиб қўйди. «Энди ҳаммаси бошқача бўлади, бундай хатоликларга асло йўл қўймайди. Маҳбубасини, еру кўкка ишонмайдиган яккаю ягонасини ҳеч ким ёлғиз қолдирмайди. Ўғилларини яхши ўқитиб, катта одам қилади...»

Шундай ширин хаёлларга бериларкан, ўзи яхши кўрган бир шоирнинг «Гуноҳлар ичра энг катта гуноҳ, Аёлни тун билан ёлғиз қолдирмоқ» мисралари беихтиёр тилига кўчди. Севиклисини, ширидан-шакар фарзандларини ҳар қанча соғинмасин, уларни уринтириб қўяман, деб уни кўришга келишига рози бўлмаган эди. Тўрт йил кўришмаган яқинларини ҳозир шунчалар соғинган эдики, шамолдек елиб бораётган поезд ҳам унинг назарида тошбақа юриш қилаётгандек. Эҳ, тезроқ қишлоқ етиб борсайди...

Афсуски, чархи кажрафторнинг ишлари ҳамиша тескари бўларкан. Йўқса, у соғинган Маҳбуба Баҳодиржонни аллақачон унутиб қўярмиди? Аҳду паймон қилиб бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртоғига гулдек фарзандларига аталган меҳру муҳаббатини Маҳбубадек гўзал ва оқила аёл ўзидан ўн ёш кичик Асрорга бахшида этармиди?! Ота меҳридан, ота бағридан мосуво бўлган фарзандлар она қаҳрига дучор бўлармиди?! Не-не қаршиликлар, таънаю дашномларга дош берган, машақкат билан тикланган муқаддас оила қўрғони қумдан қурилган қасрдек бир кунда тақдир шамолидан тўзиб кетармиди?!

Баҳодиржон ҳали бу гаплардан бехабар. Унинг юраги ҳапқириб уйига шошарди. Уйида уни нима кутаётгани асабий ҳолатга тушишмасаларда, ўзларининг ютуқлари учун тўланаётган катта пул ва кучли рағбат туфайли қаттиқ ҳаяжонланадилар. Бу эса уларни сочдан айрилишгача олиб келади.

Баҳодиржон ҳаммасидан хабар топди. Аввалига ишонмади. Ахир, улар ўн йил бирга ўқиб, бир-бирини севиб-севилиб турмуш қуришган эди. Наҳотки, Маҳбуба, унинг севикли Маҳбубаси хиёнат кўчасига кирган бўлса?!

Маҳбуба унинг қалбини ўртаган шубҳаю гумон булутларини тарқатишга ҳар қанча уринмасин, барибир ҳақиқат юзига парда тортолмади. Яна орият Баҳодиржонни жунбушга келтирди. Йигитнинг забардаст қўллари ширин уйқуда ётган Маҳбубани абадий уйқуга чўмдирди. Оқ орзуларга тўла оппоқ тонг отар чоғида оқ қўйлакли Маҳбубага оппоқ чойшаб кафан бўлди. Эҳтимол, Баҳодиржон жонидан ҳам ортиқ кўрадиган ўз севиклисини хиёнати учун жазолаётганда ўша биз кўравериб, кўникиб кетган қора ҳабаш Отеллодан ҳам кўпроқ қийналгандир. Эҳтимол, Маҳбубанинг, кўз очиб кўрганининг кўз очмасдан абадий уйқуга кетаётганидан афсус надомат чеккандир. Эҳтимол...

Буларнинг бари эҳтимоллар, холос. Аслида нима бўлганини аниқ айтолмаймиз. Чунки ҳали қилган ишидан ўзига келолмаган Баҳодиржон катта ўғлининг устига кўрпа тортди. Кейин худди кўрпани тахлагандек уни тахмонга жойлаштирди. Ташқарига чиқиб қўл-бетини совуқ сувга чайди. Сўнгра ҳаммомга кириб покланиб чиқди. Эрталабдан ҳаммомга кириб кетган отасининг авзойидан лол бўлиб турган ўғлининг қўлига уч юз сўм пул бериб «Яхши ўқи, яхши ўқисангтина катта одам бўласан. Шуни унутма, ўғлим» деди-ю, кўчага отилди.

Кейин қўшни қишлоқдаги опасиникига бориб Россияга ишлагани кетаётганини, фарзандларидан хабардор бўлиб туришини тайинлади. У буларнинг барини шундай бир беҳуд ва беҳуш ҳолда қилардики, Баҳодиржонни кўрганлар нималар бўлаётганини англаб етгунча у ўзи чиқарган ҳукмни ижро этиб бўлган эди. Эртаси куни Баҳодиржонни қишлоқ чеккасидан ўтадиган темир йўл четида қоқ иккига бўлинган ҳолда топишди. Изсиз йўқолишни истаганми ё машинистга ҳам гап-сўз тегмасин, деганми, ўзини локоматив олдига эмас, турнақатор вагонларнинг ўртароғига ташлаган.

Ҳали қирққа ҳам тўлмай қирчинидан қийилиб кетган Баҳодиржоннинг очиқ қолган кўзлари назаримда, бу дунёга тўймаганидан эмас, балки бизни янада ҳушёрроқ бўлишга, атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмасликка чақираётгандек. Ахир Баҳодиржон билан Маҳбуба кимсасиз бир оролда эмас, одамлар орасида яшашарди-ку! Баҳодиржон ғўрлик қилган экан, Маҳбубани ёмон йўлдан қайтариш мумкин эди-ку! Ёки ўзидан ўн ёш катта аёлни йўлдан урган, замона зайли билан қўлига тўрт-беш сўм пул тушганидан босар-тусарини билмай қолган, ўз нафси учун бир обод оилани барбод қилган йигитни тийиб қўйиш шунчалар қийинмиди?! Ахир бу қишлоқда ҳам маҳалла оқсоқоли, унинг фаоллари, қолаверса, кўнгил кўзи очиқ одамлар бор эди-ку?! Нега улар соҳиби бўлмаган хонадонга танда қўйган бойвачча йигитнинг оёқ олиши бежо эканига эътибор қилишмади? Ё бу маҳалланинг имом-хатиблари-ю, нуронийлари қўшнининг аҳли аёлига кўз олайтириш гуноҳи кабирлардан бири эканини билишмасмиди?!

Сиртдан қараганда, энди бундай куюнишлар ҳам, ҳатто бўлиб ўтган воқеаларнинг ягона гувоҳи бўлган, бехаё онани қўлидан келганча йўлдан қайтаришга уринган ва оқибатда ўз онаси томонидан бешафқатларча жазоланган Баҳодиржоннинг тўққиз яшар ўғли айтиб берган кечмишларини эшитиб юрак чангаллагандан фойда йўқдек кўринарди. Аммо бу оилани бошига тушган фожеа кўнгил кўчаларида тентираб юрган, беш кунлик дунё кайфу сафоси деб боқий дунё неъматларидан юз ўгирган одамларга аччиқ сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Темир ҚУРБОН,
«Mahalla» мухбири.

МАҲАЛЛАДА ТАДБИР

Қашқадарё

Баҳористон туманидаги Дўстлик жамоа хўжалигида ўтказилган кўрик-танлов «Маҳаллам - уйим» деб номланди.

МАҲАЛЛАМ - УЙИМ

Унда Навбаҳор, Истиқлол, Байналмилал маҳаллаларидаги энг ибратли оилалар ўзбек удумлари, анъаналари, ҳунармандчилик, фольклор асарларини ижро этиш бўйича ўзаро беллашдилар. Асосий кўринишлар саҳна чиқишларида намойиш этилганлиги ҳамда маҳаллалар аҳолисининг ўзига хос маҳорати айниқса, таҳсинга лойиқдир.

СПОРТ МАЙДОНИДА МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ

«Ўзбурғунефтгаз» акционерлик жамияти «Камолот» жамоатчилик маркази ташаббуси билан Қарши шаҳридаги «Геолог» ўйингоҳида «Маҳалламиз ёшлари» деб номланган спорт мусобақаси ўтказилди.

Шуниси диққатга сазоворки, шаҳар маҳаллалари ёшлари бу беллашувда спортнинг шахмат, шашка, футбол, арқон тортиш, тош кўтариш сингари оммавий турлари билан бир қаторда айни вақтда қарийб унутилаёзган чиллак, ёнғоқ ва бештош ўйинлари, ланка тепиш бўйича ҳам ўз куч-маҳоратларини намойиш этдилар.

Мусобақаларда энг юқори бал тўплаган Араловул маҳалласи вакиллари ғолиблиқни эгаллашди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

ТАҚДИР ВА ТАҚОЗО

● Оғриқ

«МЕН ҚОТИЛНИ ТАНИРДИМ...»

- «Янги», сени бошлиқ чақиряптилар!

Бу йигит тўдага яқинда қўшилгани учун унинг лақаби «янги» эди. У ортига ўгирилиши билан «бошлиқ»нинг синовчан нигоҳи ўзига қадалиб турганини кўрди.

- Шу ўлжани сенга атадик йигитча, - деди тўда бошлиғи. - Ана, машинага ўтиргин-да, ўша уйга олиб бор. Бугун сенга дам олиш!

«Янги» қўлини кўксига қўйиб, бош силкиди. Сўнг қиз томонга одимлади. Бу қизни у аввалига «мени қўйиб юборинглар» деб обдон ялинган, ҳаракатлари бефойдалигини сезгач, ўзини тақдир ҳукмига топшириб, бир четда қунишибгина турарди. Шунда қизнинг нигоҳига кўзи тушиб сесканиб кетди. Бирам масъум, илтижоли эдики бу кўзлар... Эсида, болалигида синглиси унинг қўл фонарини синдириб қўйганди. Мактабдан келибоқ севимли нарсаси ерда чил-чил бўлиб ётганини кўргач, жаҳл билан синглисини урмоққа чоғланиб тепасига борганда унинг нигоҳига кўзи тушиб тўхтаб қолганди. Бу қизнинг ҳозирги қараши синглисининг ўша пайтдаги ҳолатини ёдига солди. Онасининг ўшанда айтган сўзлари қулоқларида жаранглаб кетди. «Қиз боланинг дилини оғритсанг гуноҳга ботасан...»

Э, буларга қаёқдан ҳам қўшилиб қолди, ўзи? Кинолардагидай яшайман, деганмиди? Ўзиям кейинги пайтда ҳеч омади юришмади-да. Ўқишга борувди, киролмасдан келди. Ишлай деса бўйни ёр бермади. Онаси-ку, худонинг зорини қилди. «Болагинам, отанг раҳматли бир елкаси яғир бўлиб ўтди. Нияти сени яхши одам қилиш эди. Сен бўлсанг нуқул кўчадан бери келмайсан. Ўқишингга кейинги йил кирарсан, ҳозирча бирор ишнинг бошини тут» деди. У эса ишга киришни ҳечам истамасди.

Бекор юрган кунларининг бирида мана бу тўдага дуч келди. Бир-икки савол бериб, қизиқишларини билгач, тўда бошлиғи уни «ишга» олди. «Доимо роҳатда юрасан, пулдан-ку ғам ема» деди. Оқибатини ўйламай, рози бўлақолувди. Энди эса... Мана шу ифлос ишга қўл уриб, шу бугуноқ гуноҳга ботади энди. Кейин шу гуноҳлари урчиб, унинг оёғидан тортади, чоҳга қулатади! Йигитнинг мияси айни пайтда жуда тез ишлаб кетди: «Кўниб турай. Йўлда қизни қўйиб юбораману, машинани ҳовлида қолдириб, ўзим даф бўламан.»

Тўда бошлиғи дафъатан «Тўхта!» дея ишора қилди.

- Сен қиз билан орқага ўтир. Рулда мана бу «Сариқ» боради.

Йигит тўда бошлиғининг ҳушёрлигига тан берди: «Довдираганимдан сўнг шубҳага тушди, шекилли!» Сўнг учови машинага ўтиришди. Йўлнинг ярмига боргач, йигит яна хаёлга ботди. Булардан қутулишнинг бирор чорасини тополмаганидан ўкинди. Манави шўрлик қиз бир неча кун шуларга «ем» бўлади энди. Ўзиям нега шу хилват йўлдан юрдийкин? Балки бирор дугонасиникига боргану, гаплари чўзилиб кетиб уйига кеч қолган. Онасидан дакки эшитмаслик учун яқинроқ йўлдан уйига қараб югурган...

Шу топда йигит биқинида пичоқ борлигини эслади. Яқинда тўда бошлиғи уларни бир жойга йиғиб: «Ёнларингда пичоқ бўлсин. Бирортаси ғинг деса, тинчитиб, сўнг жўнаб қоласизлар!» деганди. Тавба, шунга кўниб пичоқни ёнида сақлаб юргани-чи? Ахир умрида товуқ ҳам сўймаган-ку, ҳали. Дарров хаёлига бир фикр урилди. Шу пичоқ билан мана бу «Сариқ»ни қўрқитса-чи? Ҳозир айни вақтику! Қолаверса, қиз ҳам ёрдам берар. Сўнг у қизни туртиб, ниятини имо-ишора билан тушунтирди.

- Тўхтат, машинани!

«Сариқ» ортига бурилди. Йигитнинг важоҳатини кўриб ажабланди. Унинг қўлидаги пичоққа қаради. Лекин қўрқмади. «Янги» унинг чўчимаганидан сал довдиради. «Бунақа ҳодисаларга кўп дуч келган бўлса керак-да! Ё тўппончаси бормикин? Э, нима бўлса бўлар!»

- Бизни шу ерда қолдир, ўйиндан чиқаман. Менга тўғри келмас экан бунақа ишлар.

«Сариқ» машинани четга буриб, уларнинг тушишини кутди. Сўнг йигитга секингина деди:

- Ўзинг биласан, оғайни. Лекин бекор қилаяпсан. «Бошлиқ»нинг совунига кир ювмабсан, ҳали.

Сўнг у машинани шахт билан орқага буриб, ҳайдаб кетди.

... Орадан икки кун ўтиб, йигитни катта йўл ўртасида чалажон ҳолда топишди. «Қизил машина уриб кетибди. Номерига лой чапланган экан, кўришолмабди» дейишди азага келганлар. «Фалокат оёқ остида-да! деди кимдир бош чайқаб. Йигитнинг синфдошлари ҳам бирин-кетин келишди. «Жўраларингни охирги марта кўриб қолинглар» дея бир кекса аёл марҳумнинг бетини очиб қўйди. Йигит гўё ўз виждони олдида ғолиб бўлган каби хотиржам ётарди. Лаблари эса жон бераётиб нимадир демоқчи бўлгану, лекин ботинолмагандек сал қимтинган эди. Балки у ўлими олдидан, чалажон ётганида, воқеа шоҳиди бўлиб жонҳолатда тепасига югуриб келган йўловчига ўз қотиллари кимлигини айтмоқчи бўлгану, лекин ортида қолаётган синглисининг номуси, онасининг тинчлигини ўйлаган, шу боис ўша машъум сирни ўзи билан бирга олиб кетгандир...

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

Эълон! Эълон! Эълон!

МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ, ТАДБИРКОРЛАРИ ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Андижонлик мухбиримиз, тадбиркор М.Отахонов раҳбарлик қилаётган «М-Қодир» фирмаси бино ва том ёпиш учун қорақоғоз - «рубероид»ни доимий равишда етказиб бериш имкониятига эга.

Энг муҳими - завод нархидан арзон баҳода ва етказиб бериш ҳам фирма ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳисоб-китоб қилиш исталган тартибда. Турли таклифларингиз ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Шартнома тузиш ва сотиб олиш учун таҳририятимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

Телефон: 136-53-93.
Тел-факс: 133-44-25.

САВДО ВА УЙЛАНИШ

«Ниҳоят: Илҳом Фармонов уйланди». «Осиё бозори» газетасининг газета номидан ҳам юқорироқдан бошланувчи бош мақоласининг номи шундай.

Бозор мавзусига хонанда уйланишининг нима алоқаси бор, деб таҳририятдан айб қидирманг. Алоқаси бор экан. Чунки газета эътироф этишича ушбу газетага «келган хатларнинг аксариятида... Илҳом Фармонов уйланганми? Илҳом Фармонов қанақа қизларни ёқтиради? Ёки қачон уйланади каби саволлар» (бизнингча уйланиш савдосига оид сўровлар) ўртага қўйилар экан.

Бу нима? Савдо эмасми? Яна харидорларнинг қаерга, қайси мавзуда мурожаат қила олиш қобилиятига ҳам қойил бўлиш керак.

ҚАРИНДОШ ВА БЕГОНА

Телеэкрандаги клипларда хонандаларнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, уй-жойи, машинаси ва ҳатто қўйи-қўзисигача кўришга ўрганиб қолдик.

Аммо баъзи соддадил мухлислар мусиқали табрикда экраннинг бир бурчагида кўрсатилаётган суратлардаги шахслар билан экраннинг иккинчи қисмида кўрсатилаётган хонандага тегишли шахсларни чалкаштириб юборишмоқда.

ТАКЛИФИМИЗ: бундай ҳолатда қариндош билан бегонанинг фарқини кўрсатувчи белгилар қўйилса.

● Билса ҳам, билмаса ҳам ҳазил

МАҲАЛЛАНГДАН ЎТАМАН, ХУДО САҚЛАСИН ДЕБ

Мирзо Улуғбек тумани Гулистон маҳалласининг катта кўчасида марҳумлар хотирасига салобатли ёдгорлик бор.

Унда «Маҳалламиздан ўтганларни Аллоҳ раҳмат қилсин» деган ёзув бор. Мен ҳам шу кўчадан ҳар куни ўтаман ва худо сақласин дейман.

«MAHALLA»чи

«MAHALLA» МАНЗИЛИ ЎЗГАРДИ

Азиз мушталрий! Таҳририятимиз манзили ўзгарди. Бизга мактуб йўллашдан, қўнгироқ қилиш, ҳатто таҳририятга йўқлаб ўтишга отланишдан олдин газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб шу ёзувлар қайд этилаётган жойга алоҳида эътибор қилинг.

Таҳририятимиз манзили ўзгариши билан барча кўрсатмалар ўзгарди.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Музаффар НОРМАТОВ

Саҳифаловчи:
А. ЮЛДАШЕВ

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-220

Топширилди—20.30